

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Жорий йилнинг хисобот даврида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига жами 211 та жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) орқали **132 та** ҳамда бевосита уюшмага **79 та мурожаат йўлланган.**

Уюшмага келиб тушган мурожаатлардан **33 таси** қаноатлантирилган, **24 тасига** тушунтириш берилган ҳамда қолган **21 таси** тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга ижро учун юборилган. **1 та** топшириқ ўрганиш жараёнида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) орқали келиб тушган мурожаатлардан **13 таси** қаноатлантирилган, **65 тасига** тушунтириш берилган ҳамда қолган **54 таси** тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган.

Таҳлиллар натижасида аксарият мурожаатлар уюшма тизимидаги Қувасойцемент АЖ, Бекободцемент АЖ, Қизилқумцемент АЖ, Охангаронцемент АЖга йўлланган. Хусусан, фуқаролар томонидан **33 та мурожаат** ишга кириш, ишга қайта тиклаш, мутахасислиги бўйича ишлаш хусусида, **26 та мурожаат** ижтимоий тўловлар иш ҳақи, моддий ёрдам, компенсациялар бўйича, **7 та мурожаат** раҳбарият қабулига кириш, шикоятлар каби масалалар бўйича йўлланган.

Ушбу таҳлиллар асосида Уюшма ҳамда тизим ташкилотлари билан биргаликда мурожаатларни тизимли ўрганиш, уларни қонуний ҳал этиш бўйича доимий чоратадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек жорий йил 1 чорагида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига жами 27 та жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) орқали **11 та** ҳамда бевосита уюшмага **16 та**, шундан **3 та** ёзма, **13 та** электрон шаклдаги мурожаатлар келиб тушган.

Бевосита уюшмага келиб тушган мурожаатлардан **4 та** қаноатлантирилган, **2 тасига** тушунтириш берилган ҳамда қолган **10 таси** тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга ижрога юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) орқали келиб тушган мурожаатлардан **6 таси** тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган ҳамда **2 таси** бўйича тушунтириш берилган **2 та** қаноатлантирилган ва **1 та** мурожаат ўрганиш жараёнида.

Маълумот учун, айти пайтда мамлакатимизда жами 10 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатади. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибида эса 158 та корхона мавжуд. Жорий йилнинг биринчи чорагида уюшма таркибидаги корхоналар томонидан 2 трлн 40 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Соҳада жами 140 мингдан ортиқ ходим фаолият кўрсатади.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси
Матбуот хизмати